

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2019 йил ноябрь ойининг 15 кунини Амударё тумани Ўрта қалъа ОФЙ таркибидаги Арна бўйи МФЙ биносида сайёр суд мажлисида, судья С.Давлетмуратовнинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Исмаилов, тарафлардан - Амударё туман прокурорининг ёрдамчиси С.Ёрмухаммедов, жабрланувчи [REDACTED] ва вояга етмаган жабрланувчи [REDACTED] унинг конуний вакили [REDACTED], гумон қилинувчи И.Матмуратовнинг иштирокида,

[REDACTED]

1988 йил 10-августда Хоразм вилояти Гурлан туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, “Илхом-Икром-Матмурот” хусусий корхонаси бошқарувчиси, оилали 2 нафар фарзанди бор, мукаддам судланмаган ва жиноий жавобгарликга тортилмаган, Хоразм вилояти Гурлан туман Боғишамол МФЙ [REDACTED] кўчаси [REDACTED]-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчига оид №1-2306-1901/77(352041/2019-35)-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйдагиларни

А Н И К Л А Д И :

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, [REDACTED] 2019 йил 04 октябрь кунини соат 11.00ларда ўзининг боқарувида бўлган, давлат рақам белгиси 90У [REDACTED] КА бўлган фуқаро [REDACTED]нинг номидаги “Кобальт” русумли транспорт воситасини Амударё туман Арна бўйи МФЙ худудидан ўтган “Урганч-Манғит-Туркменистон» чегарасигача бўлган асфальт йўлининг 71-км. 2-пикетида бошқариб бораётиб, Ўзбекистон Республикаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрь кунинидаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2016 йил 1 март кунинида кучга кирган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 73-банди ва 77-банди 1,2-3-қисмларини кўпол равишда бузиб, фуқаро [REDACTED]нинг бошқарувидаги “Восход” русумли давлат рақами белгисиз мототранспорт воситасининг ҳаракат йўналишида орқа томонидан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2019 йил 22 октябрь кунини №411-сонли хулосасига кўра Жиянбаев Азизбекнинг баданига умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига сабаб бўлган “оғир” даражадаги тан жароҳат олганлиги, 2019 йил 22-сентябрь кунини №412-сонли хулосасига кўра вояга етмаган

нинг баданига ҳаёт учун хавфли бўлган “оғир” даражадаги тан жароҳат олганлиги кўрсатилган.

Шундай қилиб, [REDACTED] ўзининг ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Судда гумон қилинувчи [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] ва вояга етмаган жабрланувчи Т.Жиянбоевнинг қонуний вакили [REDACTED] лар ариза билан муурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Гумон қилинувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчилар билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишни тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] ва вояга етмаган жабрланувчи [REDACTED] нинг қонуний вакили [REDACTED] лар суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризаларини қувватлаб, гумон қилинувчи [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳишлари билан ёзганлиги, уларга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у айбига иқроор бўлса, жабрланувчилар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд вояга жабрланувчи [REDACTED] ва вояга етмаган жабрланувчи [REDACTED] нинг қонуний вакили [REDACTED] гумон қилинувчи [REDACTED] нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят ҳужжатлари билан ўрганиб, Амударё туман прокурори ёрдамчиси С.Ёрмухаммедовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи [REDACTED] нинг, айбига ихтиёрий иқроорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчиларнинг гумон қилинувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчиларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятлар ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, гумон қилинувчи [REDACTED] га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи [REDACTED] ва вояга етмаган жабрланувчи [REDACTED] нинг қонуний вакили [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш

юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишни тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асос ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585,586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

га нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича суд мажлиси баённомаси тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи га нисбатан жиноят иши ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи ва вояга етмаган жабрланувчи нинг қонуний вакили га мазкур иш бўйича иш юритишни тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушинтирилсин.

Ажрим устидан 10 сутка ичида шу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судига апелляция тартибидаги хусусий шикоят, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи : -

С.Давлетмуратов